**572-модда** 

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

учинчи бўлим

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустахкамлаш чора-тадбирлари тўгрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш хакида (Узбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қуллаб-қувватлаш борасидаги қушимча чора-тадбирлар тўгрисида» 2013 йил 8 августдаги ПК-2022-сон қарори)

 $\ddot{\mathtt{y}}$ збекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қуллаб-қувватлаш борасидаги қушимча чора-тадбирлар тўгрисида» 2013 йил 8 августдаги ПК-2022-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Махкамаси қарор қилади:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустахкамлаш чора-тадбирлари тўгрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда) иловага мувофик ўзгартиришлар
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

## **Узбекистон Республикасининг** Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 21 октябрь, 285-сон



43 (595)-сон

**572-модда** 

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 октябрдаги 285-сон қарорига ИЛОВА

## Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустахкамлаш чора-тадбирлари тўгрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

- 1. 4-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «4. Белгилаб қуйилсинки, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда қуйидаги талаблар бажарилиши мажбурийдир:
- a) экспорт операциялари бўйича тушум тушиши ёки қайта олиб кириш муддати:

марказлаштирилган экспортни амалга оширувчи «Ўзмарказимпэкс» ДАТСК, «Ўзсаноатмашимпэкс» ДАТСК, «Марказсаноатэкспорт» ДАТСК, «Ўзинтеримпэкс» ДАТСК, «Ўзташкитранс» ДАК, Ўзбекистон Республикаси «Ўрта Осиё Транс» халқаро автотранспорт юк ташиш ДАК учун товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 90 кундан;

муассислар томонидан чет элдаги корхоналарга (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шуъба корхоналар, фирма дуконлар, дилерлик шохобчалари ва консигнация омборлари), шунингдек — Узбекистон Республикаси Савдосаноат палатаси аъзолари — хужалик юритувчи субъектлар томонидан Палатанинг савдо-инвестиция уйлари номига олиб чикилаётган товарлар амалда экспорт килинган кундан бошлаб 180 кундан;

белгиланган тартибда берилган экспорт контрактини суғурта қилиш буйича полис мавжуд булганда олдиндан туламасдан, аккредитив очилмасдан ёки банк кафолатисиз товарлар, ишлар ва хизматларни хорижий валютага экспорт қиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 180 күндан;

марказлаштирилмаган экспортни амалга оширувчи қолган экспорт қилувчилар учун товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 60 күндан ошиб кетмаслиги керак;

б) белгиланган муддатлар ўтгандан кейин хорижий валюта тушуми тушиши 30 банк кунидан купроққа (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун — 60 банк куни) кечикишига йул қуйган юридик шахслар-резидентлар:

валюта тушуми тушиши белгиланган муддатлардан 180 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари суммасининг 10 фоизига тенг микдорда;

валюта тушуми тушиши белгиланган муддатлардан 180 кундан 365 кунгача кечикканда — қушимча равишда тушмаган валюта маблағлари суммасининг 20 фоизига тенг микдорда;

валюта тушуми тушиши белгиланган муддатдан 365 кундан ортик муд-



**— 12 —** 

43 (595)-сон

датга кечикканда — қушимча равишда тушмаган валюта маблағлари суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига жарима тулайдилар;

- в) ушбу қарорда белгиланган жарима санкциялари қулланган тақдирда ташқи савдо операциялари буйича тулов муддати утказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш муддатларидан қатъи назар, айнан уша контрактлар буйича юридик шахслар-резидентларга такрорий санкциялар қулланилмайди».
- 2. 1-иловада 19-банднинг биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «Корхоналар экспорт қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар учун маблағлар қонун хужжатларида белгиланган муддатлар тамом булганидан кейин тулиқ миқдорда тушиши учун жавоб берадилар».